

# POLISH SCIENCE JOURNAL

INTERNATIONAL SCIENCE JOURNAL

Issue 1(34)  
Part 3

Warsaw • 2021



# **POLISH SCIENCE JOURNAL**

ISSUE 1(34)  
Part 3

INTERNATIONAL SCIENCE JOURNAL

WARSAW, POLAND  
Wydawnictwo Naukowe "iScience"  
2021

ISBN 978-83-949403-4-8

POLISH SCIENCE JOURNAL (ISSUE 1(34), 2021) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2021. Part 3 – 234 p.

**Editorial board:**

Bakhtiyor Amonov, Doctor of Political Sciences, Associate Professor of Tashkent University of Information Technologies

Bugajewski K. A., doktor nauk medycznych, profesor nadzwyczajny

Czarnomorski Państwowy Uniwersytet imienia Piotra Mohyły

Tahirjon Z. Sultanov, Doctor of Technical Sciences, docent

Shavkat J. Imomov, Doctor of Technical Sciences, professor

Temirbek Ametov, PhD

Marina Berdina, PhD

Hurshida Ustadjalilova, PhD

Dilnoza Kamalova, PhD (arch) Associate Professor, Samarkand State Institute of Architecture and Civil Engineering

Oleh Vodiani, PhD

**Languages of publication:** українська, русский, english, polski, беларуская, казакша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերէն

Science journal are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees.

The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

ISBN 978-83-949403-4-8

© Sp. z o. o. "iScience", 2021

© Authors, 2021

<b>Акмалова Гулсанам Акмал кизи, Рахимова Зарнигор Ихтиёровна (Бухара, Узбекистан)</b> МАКТАБ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ТУРЛИ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	126
<b>Ахмедова Захро, Мамажонов Рустам, Кучкарова Камила (Фергана, Узбекистан)</b> VERBAL AND NON-VERBAL COMMUNICATION IN FOREIGN LANGUAGE CLASSROOM .....	129
<b>Бекчанова Шоира Базарбаевна (Ташкент, Узбекистан)</b> КОМПОНЕНТЫ СИСТЕМ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ.....	132
<b>Бондаренко Володимир, Шеїн Віталій (Харків, Україна)</b> МОДЕЛЬ ФАХІВЦЯ З ВИЩОЮ ТЕХНІЧНОЮ ОСВІТОЮ ТА РЕАЛЬНИЙ РИНОК ПРАЦІ В УКРАЇНІ: РЕАЛІЇ ТА ПЕРСПЕКТИВИ.....	136
<b>Буранова Шохноза Абдуразаковна (Джизак, Узбекистан)</b> ОСНОВНЫЕ ФУНКЦИИ УПРАВЛЕНИЯ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДИРЕКТОРА ДОШКОЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ...	143
<b>Джалилова Матлюба Ахмедовна (Бухара, Узбекистан), Шукурова Махлиё Зокировна (Ромитан, Узбекистан)</b> МАТЕМАТИКА FANLARINI O'QITISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH.....	147
<b>Дурманова Гулчехра Дусияровна, Турдиев Азамат Ғайратович (Термез, Узбекистан)</b> МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	150
<b>Кушакова Г. (Джизак, Узбекистан)</b> ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.....	153
<b>Кучқорова Наргиза Мамажоновна (Урганч, Ўзбекистон)</b> БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.....	160
<b>Кучқорова Наргиза Мамажоновна (Урганч, Ўзбекистон)</b> ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТНИ ТАДБИҚ ЭТИШ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТ.....	164
<b>Муродова Муясар Хикматовна (Бухара, Узбекистан)</b> СИСТЕМА УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧАЩИХСЯ ТЕХНИКУМОВ В УСЛОВИЯХ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ОБУЧЕНИЯ.....	169
<b>Мухаммедова Рухсора Бахроновна (Бухара, Узбекистан)</b> РОЛЬ ХУДОЖЕСТВЕННОГО НАБЛЮДЕНИЯ В РАЗВИТИИ СПОСОБНОСТЕЙ И ЗАДАТКОВ В ПРОЦЕССЕ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА НАЧАЛЬНОМ ЭТАПЕ ОБУЧЕНИЯ РИСУНКУ .....	173
<b>Нуруллаева Шахло Уктамовна, Холбозорова Насиба (Карши, Узбекистан)</b> ВЛИЯНИЕ СЕМЕЙНОЙ СРЕДЫ НА СОЦИАЛИЗАЦИЮ ЛИЧНОСТИ.....	179
<b>Рахимова Ферузахон Мухаммаджоновна (Коканд, Узбекистан)</b> ПЕДАГОГИКО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ ЧЕРЕЗ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ.....	184

эҳтиёткорона муносабатда бўлиш асосий ўрин тутати. Болаларга бу борада энг яқин йўл улар ўсиб ўлгаётган жойдир.

Мактабгача таълим муассасасида ҳайвонлар ва ўсимликларнинг мавжуд бўлса, болалар уларни кузатади ва боқади, тарбиячига ёрдамлашади. Натижада уларда табиатга эҳтиёткорона муносабат, меҳнатни севиш ва меҳнат қилишга одатланиш, топширилган ишга масъулият ўз-ўзидан шаклланади. Болаларда меҳнатсеварлик, табиатга эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш учун уларни ўсимликларни суғориш ва ҳайвонларни овқатлантиришнинг оддий усулларини ўргатиш зарур. Энг муҳими, болаларнинг ўзлари бажараётган иш жараёни ва натижаларидан завқ олишларига эришиш лозим.

Меҳнатсеварлик сифатини шакллантириш учун болаларни катталарнинг табиатдаги меҳнати билан таништириш, уларнинг фаолиятига ҳурматни тарбиялаш зарур. Болаларнинг табиатда бўлиши ва меҳнатидан уларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатликларини мустаҳкамлаш учун фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Табиат болаларни эстетик тарбиялашнинг асосий воситаларидан биридир. Табиатнинг гўзаллиги ҳатто энг кичик болаларни ҳам ўзига ром қилмасдан қолмайди. Уларни табиатни билиш жараёнида эътиборларини ўрмоннинг шовқинлари, қушларнинг сайраши, барглarning шакли ва ранги, гулларнинг ҳидлари, ҳайвонларнинг ҳаракатларига қаратиш керак. Бунинг муҳим жиҳати бола келажакда ўз ҳаётида дунёнинг барча ва хилма-хил гўзалликларини идрок эта олишига шароит яратишдир.

#### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори. 2016 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261сонли қарори. 2017 йил.
3. Ш.А. Содиқова, М.А.Расулхўжаева. Болаларни табиат билан таништириш методикаси. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013 4, 8, 9-бетлар.
4. М. Умарова Мактабгача таълим ёшидаги болаларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш. - Т.: 2008.
5. Р. Мавлонова, О. Тўраева, К. Холиқбердиев Педагогикат. «Ўқитувчи» 2001. 420- б

Кушакова Г.  
кафедраси доц.в.б  
Ўзбекистон республикаси ЖДПИ  
мактабгача таълим методикаси  
(Джизак, Ўзбекистан)

## ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада ёшларда толерантлик тафаккуруни шакллантиришнинг ижтимоий ва илмий педагогик асослари, тарихий шаклланишига кўра толерантликни мазмуни ҳақида маълумотлар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Толерантлик, тафаккур, педагогик, тарихий, ижтимоий, ёшлар

Толерантлик тафаккури инсонларнинг турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, маънавий, руҳий муносабатларини уларнинг миллати, ирқи, насл-насаби, иқтисодий аҳволи, дини ва эътиқодига қарамасдан мувозанатда сақлаш меъёрларини англатади. Тарихий шаклланишига кўра толерантлик динларга бўлган холис муносабат, динларни бир-биридан устун қўймаслик, уларни ажратмаслик, бир-бирига қарши қўймаслик, эътиқодига ҳурмат билан қараш, шунингдек, бошқа динлар ғояларини зўравонлик билан сингдиришга уринмаслик, динсизлар, яъни даҳрийлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш каби моҳиятан зарур бўлган ғояларни ўз ичига қамраб олади.

Тарихий жиҳатдан толерантлик инсонларга ёрдам бериш, ҳамдардлик кўрсатиш, уларга фойдали бўла олиш хусусиятлари асосида Шарқ цивилизацияси таркибида шакллانган. Қадимги Хитой, Ҳинд, Миср, Зардуштийлик маданиятларида шакллантирилган бағрикенглик ғоялари кейинчалик ислом фалсафаси орқали ижодий ўзлаштирилган. Ислом маданиятининг Ғарб илғор тафаккурига таъсири орқали бағрикенглик Ренессанс даврининг инсонпарварлик ғоялари асосида янгидан шакллантирилган.

Қуръони Карим ва ҳадисларда диний бағрикенглик инсон комиллиги хусусияти сифатида эъзозланиши қайд этилади. Ислом дини ва унинг тарихий ривожланиш жараёнлари ўз такомилли даврида ҳар доим бошқа маданиятлар ва эътиқодларга ҳурмат билан қараган, уларнинг ижобий томонларини ўзига сингдиришга ҳаракат қилган, ўзи ҳам ўзга маданиятлар ахлоқий қадриятлари шаклланишига ижобий таъсир ўтказа олган. Диний бағрикенглик, бошқа динларга ҳурмат-эҳтиром, жамият аъзолари ўртасидаги тотувликни эъзозлаш каби масалалар ислом динининг азалий қадриятларидан ҳисобланган.

Ислом дини тинчликсевар дин деб тан олинади. Тинчлик, тотувлик, барқарорлик, инсонлараро ҳамжиҳатлик ҳам диний, ҳам толерантлик тафаккури доирасида амал қиладиган хусусиятлардан ҳисобланади. Жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, аҳолини бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш, ер юзини “обод қилиш”, Тангрининг ердаги барча мавжудотларига нисбатан меҳр-шафқатли бўлиш инсоннинг асл вазифалари

эканлиги ислом динида ҳам, толерантлик тушунчаси доирасида ҳам тарғиб этилади.

Маданиятимиз тараққиётида Ўрта асрлардаги Ренессанс даври (XI–XVII) жуда катта роль ўйнади. Бу давр Ўрта Осиё халқлари маданиятини дунё миқёсида машхур қилди. Шунингдек, “маданият намуналари билан алмашув, ўзаро маънавий таъсир кучайди. Қадимги ҳинд, эрон, араб, юнон маданий бойликлари қоришиб, адабиётларда “муслмон маданияти” деб ном олган янги маданий қатлам вужудга келди”.

Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида махсус равишда бағрикенглик тамойилларига, айниқса, жамиятда унинг аъзолари ўртасидаги тенглик ва ўзаро ҳамжиҳатлилик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Форобий фикрига кўра, “Маълум халқ ва бутун инсоният тўплаб келган маънавий-миллий мероси, “руҳлари”, яъни шахсларнинг маънавияти, онги миллийлашиб, бир-бири билан қўшилиб боради”<sup>1</sup>.

Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида таъкидланишича, бошқа халқ, миллатлар қадрини билмаган одам ўз халқи, миллатининг ҳам қадрига етмайди.

Олимнинг мазкур фикри бугун ҳам ўз долзарблиги йўқотмаган бўлиб, толерантлик таркибида миллатлараро, халқлараро муносабатларни тартибга солувчи қонуният сифатида амал қилади<sup>1</sup>.

Бугунги кунда ислом дини қадриятларидан манфаатли фойдаланган ҳолда демократик давлат қуришни танлаган жамиятларда ёшларнинг толерантлик тафаккурини шакллантиришдаги тарбия тамойиллари ва омилларини куйидагилардан иборат қилиб белгилаш мумкин:

**дунёвий давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни цивилизация талаблари асосида тушунтириш;**

**дин замонавий фуқаролик жамиятининг тўла ҳуқуқли таркибий қисми эканлигини аниқлаш**

**динлар тарихини тўғри ва илмий ривожлантириш**

**соф диний, хусусан, исломий билимлар, уларни тарихийлик, қиёсийлик ва танқидийлик асосида шарҳлашга ўргатиш;**

**маънавий билимлар мажмуи сирасида диний-ахлоқий билим, қўнқма ва нормаларнинг ўрнини тўғри баҳолашга ўргатиш.**

Тарих фанлари доктори, Россия ФАнинг антропология ва этнология институти директори Валерий Тишковнинг фикрича: “Толерантлик – мен учун маданияти бошқа, маданияти ўзгаларга бўлган қизиқиш, ҳурмат ва ҳамдардликдир. Толерантлик “сабр” ва “бағрикенгликдан” нимаси билан фарқ қилиши борасидабир мисол келтираман. Сабрли, бағрикенгли муносабат, бу менинг черковим ёнида, муслмонлар мачити ва яҳудийларнинг синагогаси

кетма-кет жойлашса-ю, мени азобламаса, бу сабрли муносабатдир, аммо ҳали толерантлик эмас. Толерантлик, мен, яъни христиан билан яҳудий бирлашиб, муслмон мачитининг қурилишига ҳашар билан ёрдам берсак, ана шу чин толерантлик бўлади. Толерантлик, ўзга мазмунини ўзиникидек қабул қила олиш фалсафасидир”<sup>2</sup> [3, 2].

Толерантлик тушунчаси қадимданоқ бировларни ўзидек билиш, ўзгаларга озор етказмаслик, ўзгалар ҳис-туйғуларига қулоқ тутиш ва диққат қилиш, ўзгаларни англашга саъй-ҳаракат ақидалари асосига қурилган.

Бинобарин, толерантлик, аниқроғи бағрикенглик тамойиллари ҳар бир дин таркибида энг қадимги даврдан бошлаб амал қилиб келган. Маълумки, Ўрта асрларда дин омилнинг тарбиявий аҳамияти жуда юксак бўлиб, у инсонларнинг ахлоқий жиҳатдан маълум тартиб ва нормалар асосида шаклланиши учун асосифатида хизмат қилган. Бағрикенглик инсон маънавий-маърифий қадриятларининг бир бўлаги, унинг узвий таркибий қисми сифатида талқин қилинган. Ўзгаларга бесабаб ёрдам бермаслик, уларга нисбатан бағрикенгликни намойиш этмаслик гуноҳ саналган. Бу эса дин омилнинг бағрикенглик тамойилларини инсонлар онига сингиши учун саъй-ҳаракат қилганлигини кўрсатувчи хусусият ҳисобланади. Дин ҳам тарғибот, ҳам тушунтириш, ҳам рағбатлантириш, ҳам жазолаш орқали бағрикенглик ғояларининг тарқалишига эришган. Демак, дин омили бағрикенглик тамойилларининг амалий бўлиши учун турли педагогик, яъни таъсир этиш ва шакллантириш усулларидан фойдаланган. Улардан: тарғиб-ташвиқ қилиш, тушунтириш, англашиш, рағбатлаштириш ва жазолаш кабилар қўлланилган. Дин узоқ йиллар давомида, яънисинф-гуруҳ ва ўқитиш тизими вужудга келгунига қадар толерантлик бўйича билим, кўникма вამалакаларни таркиб топтирувчи бош институт бўлиб хизмат қилган.

Диншунос олим Айдарбек Тулеповнинг таъкидлашига кўра, “Бугунги тезкор ўзгаришлар давридаги энг мураккаб муаммо бу – ғоявий ва мафкуравий таҳдидлар ҳисобланади[6]. Диннинг инсон ҳаётида қанчалик катта аҳамиятга эгаллиги, унинг кишини бошқаришдаги салоҳияти ниҳоятда кучли эканлиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Буни жуда яхши англаган аксарият ғаразли кучлар ўзларининг қабих мақсадларини амалга оширишда динни ниқоб қилиб олмоқдалар. Бундай кучларнинг разил ишлари, аввало, юксак маънавиятимизга қарши қаратилгани, халқимизни ана шу бебаҳо бойликдан жудо қилиш учун ҳар хил усул ва воситалар билан зўр бериб уринаётгани барчамизни ташвишлантиради.

Шундай қилиб, маънавий, дунёвий ва диний бағрикенглик ақидалари ҳамда толерантлик тамойиллари Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг мероси таркибида тарихдан мавжуд бўлиб, асрлар оша ривожлантирилган, унинг ғоявий ақидалари, ахлоқий норма ва талаблари ишлаб чиқилган. Шарқда толерантлик мазмуни ислом маданияти таркибидаги фалсафа, фикҳ, санъат, тарих, адабиёт каби илмлар доирасида такомиллаштирилган, тарғиб ва ташвиқ этилган, инсон тарбияси ва комиллигининг энг муҳим жиҳатларидан саналган. Бағрикенглик инсон ахлоқий сифатларининг муҳит қирраларидан бири сифатида ардоқланган. Бағрикенглик комил инсон тушунчаси қаторига киритилган ҳамда ахлоқли инсон бағрикенг бўлиши лозимлиги тақозо этилган.

Толерантлик мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва фалсафий илмлар таснифидан қайтадан ўрин олди. Толерантлик тафаккурини шакллантириш, унинг ижтимоий, сиёсий жиҳатларини таҳлил қилишга бағишланган илмий изланишларга эътибор кучайтирилди. Толерантлик тафаккурини таълим тизимининг турли босқичларида шакллантиришга бағишланган тадқиқотлар юзага келди ва қисман ривожланди.

Толерантлик тафаккурини педагогик жиҳатдан илмий-назарий ўрганиш куйидаги йўналишларда таҳлил қилинди:

1. Толерантлик тушунчаси доирасидаги диний бағрикенглик тамойилини *фалсафий, сиёсий, ижтимоий, социологик, тарихий, миллий ўзликни англаш ва миллий мафкура, демократик ва дунёвий жамият қуриш* нуқтаи назаридан илмий-назарий англаш, унинг умумназарий аспектиларини ўрганиш.

2. Толерантликнинг педагогик тамойилларини *миллий маънавият асослари ва маънавий кадриятлар тизимида* илмий тадқиқ этиш ҳамда ишланмаларни педагогик жараёнга татбиқ этиш.

3. Толерантлик тамойилларини *мафкуравий иммунитетни шакллантириш, диний ақидапарастликка қарши қураш* ва фуқароларни мафкуравий соғлом тарбиялаш негизида қайта шакллантириш.

4. Толерантлик тафаккурининг *тарихий илдиэларини тадқиқ этиш ва Шарқ мутафаккирлари қарашларини* илмий ўрганиш.

5. Толерантлик тушунчасини *оила концепцияси, соғлом ва баркамол авлод гоёлари* асосида талқин қилиш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда диний бағрикенглик тамойилларини илмий ўрганиш борасида салмоқли ютуқларга эришилди. Толерантлик муаммоларига бағишланган махсус конференциялар [28; 30] ташкил қилинди. Собиқ шўролар тузуми даврида толерантлик фақат миллатлар дўстлиги сифатида талқин қилиниб, унинг мазмуни чегараланган эди. Истиқлол толерантликнинг диний эътиқод борасидаги қарашлари қайта тикланишига имкон яратди. Толерантлик тушунчаси илмий-назарий жиҳатдан ўрганила бошланди.

Баъзи россиялик олимларнинг қайд этишича, толерантликнинг шаклланиш жараёни тўрт босқичдан иборат бўлади:

– *толерантлик хусусиятларининг тасодиқий-ситуатив намоиши;*

– *толерант муносабат ва мулоқотни тан олиш жараёни ўз атрофидаги барча инсонларга нисбатан доимий тарзда толерантлик тамойилларини кўрсатиш, атрофидагилар билан яхши муносабат ўрнатиш;*

– *бутун жамиятга нисбатан қатъий равишда шакллантирилган толерант муносабатда бўла олиш.*

Бизнинг фикримизча, ёшларнинг толерантлик тафаккурини шакллантириш жараёни икки асосий бўғиндан иборатдир. **Биринчи бўғин** – толерантлик бўйича билим, кўникма ва малакаларни илмий-назарий жиҳатдан шакллантириш бўлса, **иккинчи бўғин** – шакллантирилган билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллашдир. Ёшларда табиий равишда ҳар икки бўғин шакллантирилган бўлсагина, улар ўз ҳаётлари, ижтимоий фаолиятларида толерантлик тамойилларига амал қилиб яшай бошлайдилар.


**Ижтимоий толерантлик**– социологияда бағрикенглик, ўзгаларнинг қараш, тизим, фикр, ғоя ва яшаш тарзлари, урф-одатлари, диний қадриятлари, маданияти, ҳиссиётларини эътирозларсиз тинч қабул қила олиш, мультимаданий жамиятларга хос бўлган хусусият.

**Иммунологик толерантлик**–инсон организмида унинг иммун системасининг ташқаридан бўлган турли ўзга кучлар таъсирига нисбатан барқарорлиги.

**Экологик толерантлик** – организмларнинг ўзига ёт бўлган ташқи муҳит ҳолатида яшай олиш қобилияти.

**Фармакологик толерантлик** – инсон организмида унга киритилган турли дори-дармонларга нисбатан реакциясининг суствлиги, организмнинг мана шу даво методлари ва воситаларига нисбатан бефарқлиги.

Шунга кўра, социологиядаги толерантлик билан алоқадор бўлган куйидаги энг кўп учрайдиган векторлар мавжуд:



Толерантлик шахс хусусияти сифатида **авторитарлик, субъективизм, стереотипларга мойилликнинг олдини** олади. Шу нуқтаи назардан, толерантликнинг шаклланганлик меъёрларини икки асосий йўналишга ажратиш мумкин:

1. **Ташқи толерантлик** – шахс ўзида шаклланган толерантлик тамойилларини бировларга нисбатан қўллай олади, бошқаларга нисбатан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик хусусиятлари ёрқин намоён бўлади ва амалиётда қўлланилади, шахс ҳар бир масала юзасидан ўз нуқтаи назарига эга, аммо уни бировларга зўравонлик йўли билан сингдиришдан ўзини тутта олади, нарса ва ҳодисаларни баҳолашга турлича ёндаша олади.

2. **Ички толерантлик** – шахс ўз маънавий ва руҳий ҳолатида мавжуд билим ва таҳрибаларига таянган ҳолда ҳар қандай муаммо юзасидан тўғри ва бировлар кадр-қимматини ерга урмаган ҳолдаги қарорларни ўзи учун қабул қила олади ва шу билан жамият ва ўзгалар ҳуқуқларини поймол этмайди.

Шахс ижтимоийлашуви жараёнида унинг толерантликка оид тушунчалари шакллана боради. Бунда микро, мезо, макро,

мегофакторларнинг ижобий таъсир кўрсатишини таъминлаш талаб этилади (1.4-расмга қаранг):



Шахс ижтимоийлашувига таъсир этувчи омиллар

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия жараёни ёшларда толерантликни тарбиялаши учун олий таълим тизимида “комил инсон” шаклланишининг барча хусусиятларини ўз ичига қамраб олган такомиллаштирилган мажмуа асосида фаолият олиб бориш, уларни замонавий жамиятда яшашга ўргатишнинг бош хусусиятларидан бири сифатида толерантлик принципларини қабул қилиш, мазкур тушунчанинг тўла мазмуни, тамойилларининг мантиқий узвийлиги ва маънавий яхлитлиги асосида инсоннинг шахслараро, жамиятлараро муносабатларга кириша олиш қобилияти, толерантлик асосида турли вазиятлардан тўғри чиқиш ва муаммоларни адекват хулосалаш каби ҳислатларни тарбиялаши лозим.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлисга мурожатномаси Тошкент 2020 29 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дин ва эътиқод эркинлиги соҳасидаги таклиф ҳамда тавсияларни амалга ошириш бўйича” “Йўл ҳаритаси” тўғрисида қўшма қарор. // 2019 йил 18 январдаги №2300-III. Халқ сўзи, 2019 йил, 19 январь.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида: тарих, маърифат, маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 480 б.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Халқ мероси, 1993. Б. 224.
5. Беруний Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар/ Танланган асарлари.Т. 1. – Т.: Фан, 1968. - 486 б.
6. Тўйчиева Г.У. Ислом манбааларида диний ақидапарастликнинг қораланиши. – Т.: Фан. 2007. -74 б.
7. М.Усмонова. О`quvchi shaxsiga yo`naltirilgan pedagogik texnologiyalar Ta`lim texnologiyalari. 2016 yil. 4-son.

8. М. Усмонова. Pedagogik jarayon loyihasi – mashg'ulotlar samaradorligini ta'minlash vositasi sifatida Boshlang'ich ta'lim va jismoniy madaniyat yo'nalishida sifat va samaradorlikni oshirish: muammo va yechimlar Xalqaro ilmiy konferentsiya. Toshkent. 25 may, 2017 yil
9. Г. Хасанова. “Таълим жараёнида дастурлаштирилган ўқитиш технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари” Jizzax: 2020. 420 bet. 223-225b